IX. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-ҳиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларнинг ҳажми

	Миқдори, (млрд.сўм)	*Ўсиш суръати, фоиз*	*Жамига нисбатан фоизда*
Хизматлар – жами	**1 127,5**	**112,8**	**100,0**
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	56,1	119,5	5,0
молиявий хизматлар	288,1	146,4	25,5
транспорт хизматлари	173,5	103,5	15,4
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	168,8	103,0	15,0
яшаш ва овқатланиш хизматлари	28,3	98,5	2,5
савдо хизматлари	347,8	103,7	30,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	30,7	103,1	2,7
таълим соҳасидаги хизматлар	50,2	105,9	4,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	17,8	129,7	1,6
ижара хизматлари	26,2	111,8	2,3
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	28,7	104,6	2,5
шахсий хизматлар	34,2	109,2	3,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	13,4	84,2	1,2
бошқа хизматлар	32,5	99,3	2,9

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (30,9 фоиз), молиявий хизматлар (25,5 фоиз), транспорт хизматлари (15,4 фоиз) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,0 фоиз) ни ташкил этади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,2 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,6 фоиз) ҳамда ижара хизматлари (2,3 фоиз) ни эгаллади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби, фоизда

(2020 йил январь–март ойлари учун)



Хизматлар таркибида мулкчилик шакллари улушларининг ўзгариш динамикаси, фоизда



Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари энг юқори улушни (30,9 фоиз) ни ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибида чакана савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улушни ташкил этади – 82,4 фоиз , Улгуржи савдо хизматлари 12,3 фоиз ва Автомобил улгуржи ва чакана савдо хизматлари 5,3 фоизни ташкил этди.

Савдо хизматлари ҳажми ва ўсиш даражасининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2020 йил январь-март)

	Ҳажми, млрд.сўм	*2019 йил январь-мартига нисбатан фоиз*	*Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, фоиз*
Жиззах вилояти	**347,8**	**103,7**	**100,0**
шаҳар:			
Жиззах	142,1	97,9	40,9
туманлар:			
Арнасой	6,5	106,8	1,9
Бахмал	15,3	102,7	4,4
Ғаллаорол	27,3	108,2	7,8
Шароф Рашидов	34,2	117,0	9,8
Дўстлик	39,4	107,5	11,3
Зомин	24,8	107,5	7,1
Зарбдор	10,1	106,1	2,9
Зафаробод	2,5	108,7	0,7
Мирзачўл	12,0	104,8	3,5
Пахтакор	15,7	104,9	4,5
Фориш	12,9	106,1	3,7
Янгиобод	5,1	105,7	1,5

Савдо хизматлари ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Шароф Рашидов (117,0 фоиз), Зафаробод (108,7 фоиз), Ғаллаорол (108,2 фоиз), Дўстлик ва Зомин (107,5 фоиз) туманларида қайд этилди.

Унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари эса, Жиззах шаҳар (97,9 фоиз), Бахмал (102,7 фоиз) ва Мирзачўл (104,8 фоиз) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматларининг умумий ҳажмида ҳудудлар улуши, фоизда
(2020 йил январь-март)



Савдо хизматлари бўйича юқори улушга эга бўлган ҳудудлар Жиззах шаҳри (40,9 фоиз), Дўстлик (11,3 фоиз), Шароф Рашидов (9,8 фоиз), Ғаллаорол(7,8 фоиз) ва Зомин (7,1 фоиз) туманлари ҳисобланади.

Унча юқори улушга эга бўлмаган ҳудудлар эса, Зафаробод (0,7 фоиз), Янгиобод (1,5 фоиз), Арнасой (1,9 фоиз) ва Зарбдор (2,9 фоиз) туманларидир.

Транспорт хизматларининг таркиби, фоизда
(2020 йил январь-март)



Хизматлар таркибида савдо ва молия хизматларидан кейин транспорт хизматлари улуши (15,4 фоиз) юқорилигини кўриш мумкин.

Шунингдек, қайд этиш жоизки юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошишининг асосий омиллари – бу янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 97,3 фоиз билан асосий устунликка эга.

Транспорт хизматлари ҳажми ва ўсиш даражасининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2020 йил январь-март)

	Ҳажми, млрд.сўмда	*2019 йил январь-мартга нисбатан фоизда*	*жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, фоиз*
Жиззах вилояти	**173,5**	**103,5**	**100,0**
шаҳар:			
Жиззах	38,1	106,1	21,9
туманлар:			
Арнасой	6,0	101,2	3,5
Бахмал	10,7	101,7	6,2
Ғаллаорол	20,3	103,8	11,7
Шароф Рашидов	34,1	103,7	19,7
Дўстлик	13,0	101,0	7,5
Зомин	7,6	102,9	4,4
Зарбдор	7,7	102,0	4,4
Зафаробод	6,3	103,6	3,6
Мирзачўл	10,3	103,0	5,9
Пахтакор	10,0	103,1	5,8
Фориш	7,7	101,7	4,4
Янгиобод	1,7	101,7	1,0

Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Жиззах шаҳрида (106,1 фоиз), Ғаллаорол (103,8 фоиз), Шароф Рашидов (103,7 фоиз) ва Зафаробод (103,6 фоиз) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Дўстлик (101,0 фоиз) ва Арнасой (101,2 фоиз) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматларнинг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, фоизда
(2020 йил январь-март)



Транспорт хизматлари бўйича юқори улушга эга ҳудудлар сифатида Жиззах шаҳри (21,9 фоиз), Шароф Рашидов (19,7 фоиз), Ғаллаорол (11,7 фоиз), Дўстлик (7,5 фоиз) ва Бахмал (6,2 фоиз) туманлари қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Янгиобод (1,0 фоиз), Арнасой (3,5 фоиз), Зафаробод (3,6 фоиз), Фориш, Зарбдор ва Зомин (4,4 фоиз) туманларида қайд этилди.

Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қилади. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2020 йил январь-март ойларида Жиззах вилояти бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 56,1 млрд.сўмга тенг бўлди. 2019 йил январь-март ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 119,5 фоизни ташкил этди.

Жиззах вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, фоизда
(2020 йил январь-март)

Жиззах вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан январь-март ойида ўсиш суръати (119,5 фоиз) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (99,0 фоиз) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.қ.) ҳисссасига тўғри келади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, фоизда
(2020 йил январь-март)



Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада, 2020 йил январь-март ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 288,1 млрд.сўмга тенг бўлди, ўсиш 146,4 фоизни ташкил этди.

Жиззах вилоятида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати динамикаси, фоизда
(2020 йил январь-март)



Молиявий хизматларнинг таркиби, фоизда
(2020 йил январь-март)



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (94,5 фоиз) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 3,9 фоизни, ёрдамчи молиявий фаолият 1,6 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатининг ҳудудлар кесимидаги ҳолати

	Жами			*Аҳоли жон бошига*	
	Ҳажми, млрд.сўм	*2019 йил январь-мартига нисбатан фоиз*	*Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, фоиз*	*минг сўм*	*2019 йил январь-мартига нисбатан фоиз*
Жиззах вилояти	**1 127,5**	**112,8**	**100,0**	**813,9**	**110,3**
шаҳар:					
Жиззах	656,2	119,4	58,2	3 686,6	117,2
туманлар:					
Арнасой	17,7	103,6	1,6	385,2	102,2
Бахмал	37,4	102,2	3,3	239,2	99,9
Ғаллаорол	64,3	104,7	5,7	374,1	102,4
Шароф Рашидов	96,9	106,9	8,6	438,3	103,8
Дўстлик	60,8	103,7	5,4	927,6	102,0
Зомин	53,4	106,6	4,7	325,9	104,3
Зарбдор	23,8	102,8	2,1	276,3	100,0
Зафаробод	13,3	103,5	1,2	266,4	101,8
Мирзачўл	28,5	102,7	2,5	550,3	100,3
Пахтакор	33,8	102,9	3,0	453,7	100,8
Фориш	32,3	105,4	2,9	349,5	103,8
Янгиобод	9,2	103,7	0,8	326,6	101,9

Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Жиззах шаҳри (58,2 фоиз), Шароф Рашидов (8,6 фоиз) ва Ғаллаорол (5,7 фоиз) туманларда кузатилмоқда.

Жиззах вилояти бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, фоизда

(2020 йил январь-март)

Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Янгиобод (0,8 фоиз), Зафаробод (1,2 фоиз) ва Арнасой (1,6 фоиз) туманлари қайд этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах шаҳрида (3686,6 минг. сўм) бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,2 фоизни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳудудлар бўйича ҳажми ва ўсиш суръати

(2020 йил январь-март)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Бахмал (239,2 минг.сўм), Зафаробод (266,4 минг.сўм) ва Зарбдор (276,3 минг.сўм) туманларида кузатилди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида таълим соҳасидаги хизматлар жами хизматлар ҳажмининг 4,5 фоизини ташкил этиб 50,2 млрд. сўм, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,9 фоизга ўсди. Ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда Фориш тумани (119,3 фоиз)га ўсиб бу соҳада этакчилик қилмоқда.

Яшаш ва овқатланиш бўйича
хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-март)

2019 йил январь-март ойларига нисбатан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ўсиш суръати 98,5 фоизни ташкил этди, ҳажми эса 2,3 млрд. сўмга ошди ва 28,3 млрд. сўмга етди.

Ушбу турдаги хизматларнинг пасайишига дам олиш уйлари, болалар лагерлари, коттеджлар ва бошқа дам олиш масканлари хизматларига бўлган аҳолининг талаби камайганлиги сезиларли таъсир этганлигини қайд этиш лозим.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби, фоизда

(2020-йил январь-март)



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмининг асосий қисмини озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматларнинг улуши (87,8 фоиз) ташкил этади.

Ҳудудлар кесимида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ўсиш суръатлари

(2020 йил январь-март)



Қайд этиш жоизки, Янгиобод туманида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,1 фоизга ўсган.

2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича таълим соҳасида кўрсатилган хизматларнинг ўсиш суръати, фоизда



Хизматлар кўратишнинг мазкур соҳасида нисбатан паст ўсиш суръатлари Дўстлик (84,2 фоиз), Мирзачўл, Янгиобод (98,2 фоиз) ва Арнасой (98,4 фоиз) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-март ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар жами 17,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 129,7 фоизга ўсди ва жами хизматлардаги улуши 1,6 фоизни ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори ўсиш суръати Жиззах шаҳри (107,9 фоиз), Фориш(119,3 фоиз) ва Ғаллаорол (106,1 фоиз) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-март ойларида соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилган хизматларнинг ҳудудлар бўйича ўсиш суръати (фоизда)

Соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилган хизматларнинг ҳудудлар бўйича ўсиш суръатлари солиштирилганида, Ғаллаорол (94,9 фоиз), Зафаробод (101,0 фоиз), Дўстлик (102,6 фоиз), ва Пахтакор (102,8 фоиз), туманларида нисбатан паст ўсиш суръатларини, Бахмал (165,9 фоиз) Зомин (141,5 фоиз) ҳамда Жиззах шаҳрида (133,5 фоиз) эса аксинча, юқори ўсиш суръатларини кўришимиз мумкин.